



ФОРС – ТОЖИК ТИЛИДАГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ САБАБЛАРИ

*Нуруллаева Зарина Ҳасановна,
СамДУ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: лексикография, луғат, луғат фонди, луғавий фонд.

Ҳар бир миллат маданияти ва маърифати тараққиётида бошқа тарихий-иҷтимоий омиллар қаторида луғатшунослик (лексикография) ҳам катта аҳамиятга эга. Илмий қимматга эга бўлган сифатли луғатнинг яратилиши ҳар бир миллат тарихида муҳим ҳодиса саналади. Луғатшуносликка оид асарлар умумхалқ тили заҳираларини муайян тартибга келтириб, алоҳида лексик гуруҳларнинг адабий нормаларини мўътадиллаштириш ва умумлаштиришда алоҳида аҳамият касб этадиган муҳим дастур ва зарурий манбалар сифатида доим истеъмолда бўлган.

Форс-тожик луғатшунослиги минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, 200дан кўп луғат намуналари яратилган, улар луғавий бирликлар таркиби ва ҳажмига кўра турличадир.⁷ Узоқ ва бой анъаналарга эга бўлган мазкур жараён босқичма-босқич ривожланган. Луғатшунослик тарихига оид манбаларнинг гувоҳлик беришича, Х аср бошларида шоир Абуҳафз Суғдий (Самарқандий) томонидан луғат яратилган, бироқ мазкур луғат бизгача етиб келмаган.⁸ Абуҳафз Суғдийнинг номи аниқланмаган луғатида қайд этилган изоҳларнинг бизга қадар етиб келишида Саид Нафисининг хизмати катта. В.А.Капранов ўз монографиясида⁹ Саид Нафисининг “Фарҳанги сурури” асаридаги топилмаларни тўлиқ келтиради:

⁷Воҳидов А. Фарҳангшиносии форси-тоҷики дар асрҳоиX-XIX. – Самарқанд, 2018. 25-26-бетлар.

⁸ Мухаммад Ҳусайн бинни Халаф Табрезий «Бурҳони Қотеъ» асарининг доктор Мухаммад Муин томонидан амалга оширилган тўрт жилдлик наشري. –Техрон, 1330-1335.

⁹Капранов В.А. Луғати фурс Асади Туси и его место в истории таджикской (форси) лексикографии. – Душанбе, 1964.

1. Ахш – арзиш (қадр-қиммат). Сурурий ёзади: Абуҳафз Суғдий рисоласида рахш (сўзининг) вазнида келган бўлиб, Унсурийнинг қуйидаги байти билан тасдиқланган:

Худ физояд ҳамеша гавҳари ахш,
Худ намеояд ҳамеша меҳри фурӯғ.

2. Жалаб – нобакор. Сурурий ёзади: Абуҳафз Суғдий рисоласида (бу сўз) фитна ва ғавғо маъносида келган:

Носир Хусрав:

Омма ба ман тўҳмати диниву фазли
мениҳанд,

Бар сарам фазли ман оварда ин ҳама
шўру чалаб.

3. Хаш / хош – ҳас-хашак. Сурурий ёзади: Абуҳафз Суғдий “хош”ни чайнамоқ маъносида инсонга нисбатан ҳам ҳайвонга нисбатан ҳам қўлланишини айтиб, Рўдакийнинг қуйидаги байтини келтиради:

Нишасту суханро ҳама хош зад,
Зи оби даҳон кўхро шош зад.

4. Диранд – даҳр, замон. Сурурий ёзади: Абуҳафз Суғдий “диранд” (сўзи)ни тумор маъносида изоҳлаган ва Рўдакийнинг қуйидаги байтини мисол қилиб келтирган:

Аё, сарви ман, дар такопӯи онам,
Ки дарандос бипечам бар ту бар.

5. Саморуғ – замбуруғ. Сурурий бу сўз изоҳида ёзади: Абуҳафз Суғдий рисоласида бу сўз шўр тупроқ маъносида қўлланган бўлиб, Унсурийнинг қуйидаги байти бунга мисол бўлади:

Кучо ман чашм дорам бар сахоя?
Гулу лола нарўяд аз саморуғ.

Айрим ноаниқликларни истисно этган ҳолда, Рўдакий замонида яшаб ижод этган Абуҳафз Суғдийни “Фарҳанги Абуҳафз Суғдий” луғатининг муаллифи сифатида эътироф этиш мумкин.



Яқин кунларга қадар номаълум бўлиб келган луғатлардан яна бири Қатрон Табрезийнинг луғатидир. Асар муаллифининг тўлиқ номи Ҳаким Қатрон Абдумансур ал Жабили Озарий Табрезий бўлиб, мазкур изоҳли луғатнинг (тахминан 1046-1064 йиллар оралиғида яратилган) нисбатан тўлиқ тавсифини Муҳаммад Ҳиндушоҳ Нахжувонийнинг 1328 йилда Табрезде ёзиб тугатилган “Сихоҳ ул-фурс” асари муқаддимасидан олишимиз мумкин. Форсий тил луғатини яратишга киришган илк одам Ҳаким Қатрон Умравий эди. Бироқ у изоҳлаган сўзлар миқдори 300 дан ошмайди. Ундан кейин етук олим Абумансур Али бинни Аҳмад ал-Асъади Тусий (раҳматуллоҳи алайҳа) луғат тартибига киришиб, бу соҳани гўзал тарзда давом эттирди. У Ҳаким Қатрон жамлаган луғавий бирликларни янада кўпайтирди. Бу жиҳатдан унинг луғати Қатрон луғатидан тамомила фарқ қилади.

Носир Хусрав “Сафарнома” асарида ғаройиб бир воқеани келтиради. Муаллиф Марказий Осиёдан қайтиш воқеалари (бу воқеа 1046 йилнинг август ойида бўлган) баёнида Қатрон билан учрашганлигини қайд этиб қуйидагича ёзади: “Табрезда Қатрон исмли шоирни кўрдим. У яхши шеър ёзарди, бироқ, форс тилини яхши билмас эди. Мунжик ва Дақиқийнинг девонларини олиб келиб олдимда ўқиди ҳамда қийин сўз ва жумлаларнинг маъносини мендан сўради. Мен уларнинг маъноларини айтганимда, ёзиб олди ва менга ўз шеърларини ўқиб берди”. “Луғати Ҳалимий” номли форсча-туркча луғатнинг муаллифи бўлган турк луғатшуносларидан бири Лутфуллоҳ ибн Юсуф Ҳалимий ўз асарининг бир неча ўринларида Қатрон Табрезийни тилга олади. Ҳалимий асар муқаддимасида форсий луғатлар ва уларнинг муаллифларини тилга олмаган бўлса-да, лексик бирликлар изоҳида Қатрон, Асъади Тусий, Шамс Фахрий ва Ҳиндушоҳ Нахжувоний каби луғатшунослар ва уларнинг асарларини қайд этади. Жумладан:

Парво – аксар луғат арбоблари, хусусан, Ҳаким Қатрон Умравий, Асъади Тусий, Шамс Фахрий ва Ҳиндушоҳ

Нахжувоний “парво” сўзининг маъносини фароғат дея изоҳлайдилар.

Жамолиддин Хусайн Инжу ўзининг “Фарҳанги жаҳонгири” асарида олдин яратилган луғатлар рўйхатини келтириб, унда Қатрон Табрезийни ҳам тилга олади (ўн биринчи тартиб рақамда). Мазкур асардан маълум бўладики, Қатроннинг луғати 300 сўз изоҳидан ташкил торган бўлиб, анъанавий луғат тузилишига эга эмас.

1959 йилда Техрон университети адабиётшунослик факультети илмий журналида доктор Аскар Ҳукуқининг “Калима ва ибораҳои Рўдакий” номли мақоласи нашр этирилиб, унда Рўдакий шеъриятида қўлланган 316 та сўз ва иборалар алифбо тартибидея берилди. Муаллиф луғавий бирликлар шарҳида қўлёзма ва чоп этилган луғатлардан фойдаланган, авваламбор, “Луғати фурс”га таянади, шунингдек, “Сипоҳсолор” мадрасасида сақланадиган “Луғати Қатрон”га ҳам ишора этади. Ҳукуқийнинг қайд этишича, бу асл қўлёзманинг нусхаси бўлиб, аслият Деххудо кутубхонасида сақланади. Ҳукуқий 30 ўринда мазкур луғатга мурожаат этади, бироқ, қўлёзма ҳақида бошқа маълумот бермайди. Айрим мисоллар келтирамиз:

Паркола ва пажкола – яқтакка тикилган икки парча мато бўлиб, уни “кажна” ҳам дейишади (Қатрон, 49-бет):

Чун моҳи тамом аст дилбари ман,

Дарди гули сурх андар-ў пажколаи ман.

Хошок – шох ва сомон парчалари ва шунга ўхшаш нарсалар (Қатрон, 78-бет):

Гуфт: бо харгўш хоначони ман, хез,

Хошок аст аз-ў бурун фикан.

Хингбид – тикан дегани “Қатрон, 74-бет”:

Тани хингбид арчи бошад сафед,

Ба тариву нармӣ набошад чу бед.

Коно – аблаҳ ва ақлсиз демақдир (“Фарҳанги Қатрон”):

Ман сухан гўям ту коно,

Кай кунӣ ҳар замоне даст бар дастам занӣ.

Воло – улуғ, кадри баланд демақдир, ҳиммати баланд инсонга нисбатан воло



гуҳар ва волоҳунар тарзида ишлатадилар.
“Қатрон, 213-бет”.

№ 42 Бурун – ёрдамчи сўз, “буруни ту ин
кор кардам – сен туфайли (сен айтгандек)
шу ишни қилдим”. “Фарҳанги Қатрон”, 43-
бет.

Бод кун зерат андарун тахта,

Ту бурун хор писандӣ ситон (?)

№ 45 Бахш – балиқ демақдир, буржга
нисбатан ҳам ишлатадилар “Қатрон”, 34-
бет.

К – офтоб ояд ба бахшаш зи бара,

Рӯи гетӣ сабз гардад яксара.

№ 214 Фасила – гала, отлар тўдаси, қўй
галасига нисбатан ҳам ишлатилади
“Қатрон”, 157-бет.

Тозиёну давон ҳамеоянд,

Ҳамчу андар фасила абри баҳор.

№ 123 Доҳим ва дайҳим – Ажам
подшоҳларининг тахтлари, баъзилар
(қимматбаҳо тошлар билан) безатилган
тожга нисбатан ишлатадилар. “Қатрон”,
93-бет.

Ба як гардиш ба шоҳаншоҳӣ орад,

Дихад доҳиму тавқу гўшвора.

Асадий 341-саҳифада дайҳим сўзини
қуйидагича изоҳлайди: дайҳим
жавоҳирлар билан безатилган кулоҳ (бош
кийими)дир, баъзилар уни тож дея
изоҳлайдилар.

Ўрта асрларнинг айрим
луғатшунослари Қатрон луғатининг
мавжудлигини инкор этиб, уни “Луғати
фурс”нинг бошқа бир нусхаси деб
ҳисоблашган.¹⁰

Носир Хусравнинг Қатрон билан
суҳбатидан маълум бўладики, форс-тожик
мумтоз адабиёти матнларидаги у ёки бу
сўз ва ибораларнинг маъноларини изоҳлаш
мақсадида изоҳли луғатлар майдонга
келган. Форс-тожик луғатшунослигининг
шаклланиши ва тараққиёти IX-X асрларда
форс-тожик адабиёти ва адабий тилининг
юксалиши билан боғлиқдир. Луғатнависларнинг қайдларига кўра, форс-
тожик тилидаги изоҳли луғатларнинг
майдонга келишини қуйидаги асосий
сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

Қадимий луғатларда (X-XV асрлар)
изоҳланаётган сўзларнинг микдори
1000дан 5000гача бўлган. Шу ўринда савол
туғилади. Луғатнавислар сўз танлашда
қандай тамойилларга асосланган? Бу
саволнинг аниқ жавоби мавжуд эмас.
Қадимий луғатлар изоҳланаётган сўзлар
интиҳоби ҳамда ўз тузилишига кўра
кейинги давр луғатларидан тубдан фарқ
қилади. Бу давр луғатлари вазифасига кўра
бир вақтнинг ўзида ҳам тафсирий луғат,
ҳам синонимлар луғати, ҳамда
энциклопедик луғат вазифасини бажарган.
Қадимий луғатнавислар ўз асарларининг
яратилиш сабабларини қуйидагича ифода
этадилар. Дўстлар (баъзан шогирдлар,
фарзандлар) мумтоз адабий матнларни
тушуниш учун луғат тузишимни илтимос
қилишарди. Авваламбор, Фирдавсий
“Шоҳнома”сини ва Низомий
“Искандарнома”сини тилга олишарди.

Масалан, “Дастур ул-афозил”
луғатининг муаллифи Ҳожи Ҳайрат Рафи
луғатнинг муқаддимасида шундай ёзади:
“Дўстлар билан “Шоҳнома”ни ўқир эдик
ва мутолаа вақтида баъзи сўз ва
ибораларни тушунмасдан бир-биримизга
қарар эдик. Улар мендан бир луғат тузиб
беришни сўраб мурожаат этишди. Мен
“Шоҳнома”ни бошдан-охир ўқиб чиқдим
ҳамда сўзларни ёзиб чиқдим. Луғатда
тушунилиши қийин бўлган арабий,
форсий, туркий, паҳлавий, афғоний,
яхудий, сурёний, тожикча (сўз ва
иборалар, шунингдек), насронийлик,
фалсафа, сеҳр-жоду (кабиларга тааллуқли)
сўз ва ибораларни киритиб, уларни
шарҳладим.

“Донишномаи Қодирхон”
асарининг муаллифи Ашраф ал-Музаққар
ал-Форуқи ўз луғатининг муқаддимасида
ёзишича, “Шоҳнома” ва
“Искандарнома”ни мутолаа қилиш
жараёнида баъзи сўз ва бирикмаларни
тушунмаган кишилар ушбу луғат ёрдамида
тушуниб олишди ҳамда шоирлар ижодини
тушуниш учун калит яратганлигимни
эътироф этишди.¹¹

¹⁰Баевский С.И. Ранняя персидская лексикография
XI-XV век. Стр. 28-29.

¹¹Баевский. Стр. 91



Айтилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, қадимий луғатлар асосан мумтоз шоирлар асарларини ўқиб тушуниш учун яратилган ҳамда улар форс-тожик мумтоз шеърини билан мустаҳкам боғлангандир. Қадимий луғатларда тушунилиши қийин бўлган сўзларни шарҳлаш, изоҳлаш, маъноларини тасдиқлаш учун асосан мумтоз адабий манбалардан шеърини матнлар келтирилган. Шунга кўра XI-XV асрлардаги изоҳли луғатлар нафақат луғат сифатида, балки мўтабар тўплам, антология сифатида ҳам яратилган эди.

Ашраф бинни Шараф ал-Форуқи луғат мукаддимасида яна ёзади: “Мен

донишмандлар, шоирлар хазинаси эшигининг қулфини очиш учун, уларнинг шеърлари мазмунини тушуниш учун қалит яратдим”. XI-XV асрлардаги луғатларни кўздан кечириш шуни кўрсатадики, улар форс-тожик мумтоз адабиёти билан мустаҳкам алоқага эга. Мазкур луғатлардаги ҳар бир сўз изоҳи ўша даврнинг барча маданий кишилари учун ҳам тушунарли бўлавермаган. Бошқа томондан, сўз маъноларини очиш учун келтирилган шеърини матнлар маъносини луғатлардаги изоҳларсиз тушуниш оддий ўқувчига қийинчилик туғдирган.

Адабиётлар

1. Воҳидов А. Фарҳангшиносии форсӣ-тоҷикӣ дар асрҳои X-XIX. – Самарқанд, 2018.
2. «Бурҳони қотеъ»-и Муҳаммадхусайн бинни Халафи Табрезӣ, мутахаллас ба Бурҳон, бо муқобилаи нусхаи мутаддади хаттӣ ва чопӣ ва тасҳеҳ ва тавзеҳи ваҷҳи иштиқоқ ва зикри шавоҳид ва афзудани луғати бисёр ва тасовир ва нақшаҳо бо эҳтимоми дуктур Муҳаммад Муин, Техрон, 1330-1335 (дар чор чилд), Мукаддима.
3. Капранов В.А. Луғати фурс Асади Туси и его место в истории таджикской (форси) лексикографии. – Душанбе-1964.
4. Баевский. С.И. Ранняя персидская лексикография XI-XV век.
5. Носири Хисрав «Сафарнома». – Душанбе, 1970. саҳ. 56.

Нуруллаева З. История составления персидско-таджикских словарей. В данной статье раскрыта историческая роль персидско-таджикских словарей, которые до XIX века насчитывались более двухсот. Они разнообразны по объёму и содержанию. Многие из этих словарей были созданы для разъяснения сложных, архаистических, иностранных слов и персонажей бессмертных поэм «Шахнаме» великого поэта Фердоуси и «Хамса» Низами Ганджави.

Nurullayeva Z. History of compiling Persian-Tajik dictionaries. The historical role of Persian-Tajik dictionaries which were more than 200 till XIX century was clarified in this article. They are very different according to size and meaning. Most of them were created to explain complex, archaic foreign words and images of poems “Shahname” by Firdavsi and “Khamsa” by Nizami Genjavi.